
ҲАММА "ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ" ФЕСТИВАЛИГА!!!!

Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи”да бугун соат 10:00 дан бошлаб, вилоятимизда учинчи бор ўтказилаётган “Оналарга эҳтиром” фестивалининг вилоят босқичи тантаналари бошланиб, халқ сайлларига уланади.

“Ижодкорлар боғи”да шаҳар-туманлар вакиллари ўзлари учун ажратилган махсус бўлимларда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, оналарга бўлган ҳурмат-эҳтиромни ўзида ифода этган стендларни жойлаштириб, фестивалга катта тайёргарлик кўрмоқда. Боғ ҳудудидан фолькор жамоалари, санъаткорлар, ҳунармандлар ҳам жой оладилар.

Фестиваль доирасида ҳар бир ҳудуд вакиллари томонидан миллий ва замонавий либослар кўргазмаси, оналарга бағишланган видеороликлар, дил изҳорлари, маданият бўлимларининг чиқишлари ўтказилади.

Кеч соатларда “Оналарга эҳтиром” фестивали вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими билан бирга юртимизнинг энг таниқли санъаткорлари иштирокида гала-концерт ҳам бўлиб ўтади.

Барча фарғоналикларни ҳамда вилоятимиз меҳмонларини Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи”га, “Оналарга эҳтиром” фестивали тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз!

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-20 09:19:10